

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВ ҚОНЫСБАЙ АБЫЛОВИЧ

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ
(ташкил этиш шакллари, дардан ташқари машғулотлар)

13.00.02 – «Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (филология фанлари)»

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Юсупов Конысбай Абылович

Академик лицейларда каракалпок адабиётини ўқитиш методикаси
(ташқил этиш шакллари, дарсдан ташқари машғулотлар)..... 3

Юсупов Конысбай Абылович

Методика преподавания каракалпакской литературы в академических
лицеях (организационные формы, внеурочные работы) 31

Yusupov Konisbay Abilovich

The Method of teaching of karakalpak literature in Academic lyceum (forms
of organization and out-of-school activities) 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 62

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВ ҚОНЫСБАЙ АБЫЛОВИЧ

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ
(ташкил этиш шакллари, дардан ташқари машғулотлар)

13.00.02 – «Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (филология фанлари)»

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2021

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахон миқёсида ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача янги таълим концепциясида таълим “таракқиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият” сифатида эътироф этилган¹. Шу нуқтаи назардан, таълим турли тилларда олиб бориладиган ўқув муассасаларида, хусусан, академик лицейларда адабиётни ўқитиш методикасини такомиллаштириш, адабиёт дарсларида инновацион ёндашувлар асосида ўқувчиларнинг ахборотларни таҳлил қилиш ва назарий билимлар кўникмаларини шакллантириш асосида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунё педагогика фани жадал ривожланиш ва ўзгаришлар йўлидан бораётган глобаллашув жараёнида таълим-тарбия назарияси ва методикаси соҳаси ҳам жиддий янгиланишлар сари юз тутмоқда. Бу эса педагогика таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини илгор технологиялар асосида такомиллаштириш, давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ ўқув дастурлари, дарсликлар ва методик қўлланмалар яратиш, адабиёт ўқитиш мазмунини янгиланишнинг оптимал йўналишларини белгилаш, миллий ва хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш, адабий таълимнинг илмий-назарий, амалий, эстетик ва методик асосларини такомиллаштириш, ўқувчилар билимини чуқурлаштиришга доир стратегияларни қўллаш заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг адабий-нутқий ва бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини шакллантириш, адабий таълим жараёнига шахсни такомиллаштиришга йўналтирилган таълим технологияларини оқилона татбиқ этиш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”² устувор вазифаларининг белгиланиши адабиёт ўқитувчиларининг касбий сифатларини ривожлантириш, ўқувчи шахсини устувор мавкега кўтариш, асар қаҳрамонларига баҳо беришда холисликни таъминлаш, келажакни кўра билиш, яратувчанлик қобилиятларини шакллантириш каби адабий таълим тамойилларини қўллаш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тизимини ташкил этиш тўғрисидаги қонунни тасдиқлаш тўғрисида” 140-сон,

¹ Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. – P. 6-7. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б. 39.

2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарорлари, 2020 йил 23 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.”Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Педагогика фанининг ўзига хос хусусиятлари, педагогика назарияси ва методикаси, ўқитиш шакллари, методлари бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Гарвард университети (АҚШ), University of British Columbia (Канада), Ege Universitesi (Туркия), Чунанг университети (Жанубий Корея), Россия Фанлар академиясининг Жаҳон адабиёти институти (Россия Федерацияси), Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ (АҚШ), Belfield pedagogical university (Германия), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Буюк Британия); Мияги педагогика университети (Япония), Таълим академияси (Россия), University of Warwick (Лондон), Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон) каби нуфузли олий таълим муассасалари ва марказларида олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим муассасаларида педагогик ишлар тизимини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асосида куйидаги илмий натижалар олинган: АҚШнинг Гарвард университетида педагогик фикрлар таракқиётини тадқиқ этишнинг қиёсий-типологик технологиялари ва методикаси яратилган; америкалик олимлар Р.Уэллек ва А.Уоренлар томонидан “Адабиёт фанининг принциплари” китоби нашр этилган, А.Печчеининг педагогикага оид қарашлари “Инсон характерлари” номли тадқиқотини яратишга асос бўлган; Жанубий Кореянинг Чунанг университетида ўқувчиларнинг назарий билим ва кўникмаларини ривожлантириш бўйича ўқитиш технологиялари; Мияги педагогика университетида ўқитишнинг педагогик-психологик масалаларини шакллантиришнинг дастурлаштириш технологияси; Россия таълим академиясида ўқувчиларда маънавий маданиятни тарбиялаш технологияси; Тошкент давлат педагогика университетида ўқувчиларга таълим бериш ва маънавий-ахлоқий ривожлантириш тизими ишлаб чиқилган.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларга шарҳ: <https://www.Goodreads.com/book/show/3837726-international-companion-encyclopedia-of-s-literature>; www.hu-berlin.de; www.study.ua; www.ox.ac.uk; www.agency-nationale-recherche.fr/en; www.ntl.aks.ac.kr; www.inili.ru; www.kaznu.kz; www.iaas.msu.ru. ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

Дунёда таълим-тарбия назарияси ва методикасини тадқиқ этиш бўйича илмий методик фикрлар тараққиётининг ўзига хосликларини аниқлаштириш; ўқитиш методикасини илмий-назарий, эстетик, педагогик, амалий-методик жиҳатдан такомиллаштириш; таълим тизимиغا инновацион технологияларни жорий этиш; таълим мазмунини аниқлаштириш ва мезонларини ишлаб чиқиш устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда адабий таълим мазмунини янгиланган педагогик тафаккур тамойиллари асосида такомиллаштириш, адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш, таълим олувчиларнинг таҳлил кўникмаларини ривожлантириш ва мустақил фикрлашга ўргатиш масалалари бўйича А.Зуннунов, Н.Ҳотамов, Ж.Эсонов, А.Иброҳимов, Қ.Йўлдошев, У.Алеуов, М.Миркосимова, С.Матжонов, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, Б.Тўхлиев, Ш.Н.Абдиназимов, У.Долимов сингари олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилган⁴. Педагогик технологиялар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари М.Очилов, Н.Н.Азизхўжаева, Н.Ғуломова, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.А.Усмонов, В.Л.Ғолиш, Қ.Ў.Толипов, М.Усмонбоева, Т.Мадумаров, М.Камолдиновларнинг илмий изланишларида педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилинган⁵. С.Ахметов, А.Пахратдинов, Э.Пирназаров, К.Палымбетов, И.Пирниязов, Р.Бердимуратова, А.Тобаназаров, Ж.Сагидуллаева, Ж.Қаниязова, Қ.Юсуповлар томонидан умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида қорақалпоқ адабиётини ўқитиш муаммолари ўрганилган⁶.

Ўқитиш шакллари янгидан ташкил этиш, таълим-тарбия тизимидаги анъаналар билан бирга педагогик фикрларга эътибор қаратиш муаммолари МДҲ олимлари Я.Скалова, М.Н.Скаткин, Я.С.Резь, Н.Ғ.Тараносова,

⁴ Зуннунов А. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 268 б.; Зуннунов А.С., Ҳотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 332 б.; Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 152 б.; Қозоқбой Йўлдош, Муҳайё Йўлдош. Бадиий таҳлил асослари. –Тошкент: КАМАЛАК, 2016. – 464 б.; Өлеуов О. Қарақалпақстанда талим-тарбиялық ойлардың қалипласиуи хэм раўажлануы. – Нөкис: Билим, 1993. – 504 б.; Миркосимова М. Адабий таҳлил методикаси. – Тошкент: РТМ, 1995. – 102 б.; Миркосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. Пед. фан. док. ... дис. – Тошкент, 1995. – 254 б.; Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 208 б.; Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 368 б.; Хусанбоева Қ., Ниёзметова Р. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Баркамол файз медиа, 2018. – 352 б.; Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 168 б.; Абдиназимов Ш.Н. Шег еллардеги билимлендириу тэжирийбелери. – Нөкис, 2009. – 26 б.; Долимов У. Жаид мактаблари: уларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари. Пед. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 42 б.

⁵ Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000. – 112 б.; Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Тошкент: 2003. – 142 б.; Ғуломова Н. Адабиёт дарсларида илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш. – Тошкент: РТМ, 2003. – 89 б.; Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004. – 146 б.; Ғолиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах / Учебное пособие / Под общей редакцией академика С.С.Гулямова. – Ташкент: ТГЭУ, 2005; Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Тошкент: Фан, 2006. – 262 б.; Мадумаров Т., Камолдинов М. Инновацион педагогик технология асослари ва уни таълим-тарбия жараёнида қўллаш. – Тошкент: Талқин, 2012. – 143 б.

⁶ Ахмедов С., Пахратдинов Э., Пирназаров Э. Қарақалпақ әдебиятын оқытыу методикасы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – 160 б.; Пахратдинов А. Қарақалпақ әдебиятын оқытыу методикасы. – Нөкис: Билим, 2004. – 260 б.; Палымбетов К., Пирниязов И., Бердимуратова Р. Әдебиятты оқытыу методикасы. – Нөкис: 2009. – 204 б.; Тобаназаров А. Кәсип-өнер колледжлеринде қарақалпақ әдебиятын оқытыудың базы бир мәселелри. – Нөкис: Билим, 2015. – 96 б.; Сагидуллаева Ж., Қаниязова Ж. Әдебият теориясын оқытыуда инновациялық технологиялар. – Нөкис. Қарақалпақстан, 2016. – 48 б.; Yusupov Q. A. Qaraqalpaq әdebiyatın oqıtıw metodıkası. – Tashkent: Sano-standart, 2018. – 336 б.

Г.В.Маранцман, В.М.Кларин, Ш.Исломовларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган⁷.

Жаҳонда педагогика илми бўйича маълумотлар тезкор янгиланаётган XXI асрда Қорақалпоғистон Республикасидаги академик лицей ва умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия олаётган ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда маънавий-ахлоқий фазилатларини педагогик тизим асосида шакллантириш гоят мураккаб ва муҳим вазифадир. Айни вақтда академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикаси махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Қорақалпоқ адабиётини ўрганиш ва ўқитишнинг долзарб масалалари”, “Ҳозирги филология фанининг муҳим масалалари” мавзусидаги истикболли илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикасининг назарий, эстетик, методик асосларини тизимлаштириш ва педагогик амалиётда фойдаланиш йўллари тақомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикасининг илмий-назарий, эстетик, педагогик, амалий-методик жиҳатларини аниқлаш ва тақомиллаштириш;

қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикаси мазмунини белгилаш, қорақалпоқ адабиётидан академик лицейлар учун ўқув дастурлари ва дарсликлар яратиш методикасини тақомиллаштириш;

қорақалпоқ адабиётини ўқитишда таълимнинг инновацион технологиялари, амалда самарали натижа берадиган илгор ёндашувлардан фойдаланиш йўллари аниқлаштириш;

адабий таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш, давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ ўқув дастурлари ва дарс режаларини тузиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

қорақалпоқ адабиёти фани ўқув дастурида берилган асарларни таҳлил қилишнинг илмий-методик асослари ва дидактик усулларини аниқлаш, адабий-назарий тушунчаларни ўргатиш ҳамда ўқувчилар онгига миллий истиклол гоёларини сингдириш;

академик лицейларда қорақалпоқ адабиёти бўйича дарсдан ташқари машгулотларни ташкил этишнинг илмий-методик асосларини ўрганиш, адабий тўғараклар, адабий кеча ва конференциялар ўтказиш усулларини

⁷ Скалова Я. Методология и методы педагогического исследования. – Москва: Педагогика, 1989. – С. 224; Скаткин М.Н. Методология и методика педагогических исследований. – Москва: Педагогика, 1986. – С. 150; Резь З.Я. Методика изучения лирики в школе: Дис. ...д-ра пед. наук. – Л., 1970. – С. 384; Тараносова Г.Н. Анализ художественного текста в системе подготовки учителя языка и литературы в национальной школе. Дисс. д-ра пед. наук. – Москва, 1991; Маранцман В.Г. Анализ литературного произведения в соотношении с читательским восприятием школьников: Дис. ... д-ра пед. наук. – Москва, 1990. – С. 335; Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – Москва: Знания, 1989; Исломов Ш. Изучение лиро-эпических произведений на уроках родной литературы в IX-X классах таджикской школы: Автореф... канд. пед. наук. – Москва, 1990. – С. 26.

такомиллаштириш ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасидаги академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш жараёни белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш самарадорлигини ошириш, адабий таълимнинг янги шакллари ва методларини аниқлаш, адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёслаш, кузатиш, суҳбат, педагогик илмий тажриба, тест, математик-статистик, анкета, педагогик ва дидактик таҳлил каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикасининг илмий-назарий асослари, дидактик таъминоти, адабиёт ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш ва дарсликларни тузиш тамойиллари адабиёт дарсларида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигига асосланган назарий билимларни англаш, амалда қўллаш, бадиий асарларни тадқиқ қилиш усуллари аналитик, ижодийлик, муқобиллик ва дивергентлик ёндашувларга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

қорақалпоқ адабиёти бўйича ташкиллаштирилган муаммоли, монографик ва шарҳлаш маърузалари конференция ва семинар дарсларида когнитив, рефлексив технологиялар, ўқувчиларнинг мотивацияси, бадиий матн устида ишлаш ва муаммоли вазиятларнинг самарали ечимларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

қорақалпоқ адабиётини ўқитишда жаҳон илм-фани ютуқларига асосланган шахсга йўналтирилган таълимнинг муаммоли ва мустақил таълим шакллари, самарали таълимни кафолатловчи ва амалда тасдиқловчи креатив, когнитив, эвристик инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари ўқувчиларнинг мустақил билим олиш хусусиятларини ривожлантириш орқали такомиллаштирилган;

қорақалпоқ адабиёти дарсларида ўқувчиларнинг мотивациясини ва коммуникатив компетенциясини оширишнинг ахборот-методик таъминоти кластер, инсерт, ақлий ҳужум, бурчак каби интерфаол методларга мўлжалланган аутентик ўқув материаллари асосида такомиллаштирилган;

фан дастурида берилган бадиий асарни таҳлил қилишнинг илмий-назарий ва методик асослари академик лицей ўқувчиларининг қорақалпоқ адабиётига оид назарий тушунчалари ва бадиий матн устида ишлаш кўникмаларини ривожлантириш асосида такомиллаштирилган;

дардан ташқари машгулотлар ўқувчиларнинг адабий кеча, конференция, кўргазмали бурчаклар, тўгарак ишларини интерфаол технологиялар билан ўрганишнинг ижодкорлик компетенциялари ва кафолатланган натижалари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш бўйича самара берадиган тажрибалар аниқланган;

академик лицей ўқувчиларига мўлжалланган адабиёт фани дастури, дарсликлар ва уларга қўйиладиган методик талабларга амал қилиниши сезиларли кўрсаткичларга эришишини таъминлаган;

адабий материалларни ўрганиш усуллари кўриб чиқилган ва назарий-методик жиҳатдан таҳлил қилиниб натижалари кўрсатилган;

янги педагогик фикрлар ва адабиёт ўқитиш методикасининг энг сўнгги ютуқлари асосида бадиий асарларни таҳлил қилиш усуллари, дарс ишланмаларига намуналар берилиши адабиёт фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширган, шунингдек, назарий хулосалар ва амалий тавсиялар асосида натижаларнинг сифат-самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва улар ҳақидаги такризлар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоблар, интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикасининг илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиши, адабий материалларни кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш усуллари, ўқитишнинг назарий ва услубий асослари, тизимли ёндашувлар асосида ижтимоий-педагогик фаолиятда технологик мажмуанинг қўлланиши, ўқувчилар орасида ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларининг педагогика, педагогик технология, педагогик маҳорат, қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикаси каби фанлар мазмунини бойитишга хизмат қиладиган илмий-амалий тавсиялар аниқлаштирилганлиги, ўқитиш шакллари ташкил этиш, бошқариш ва баҳолашга доир механизмлар такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикасидаги академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикаси бўйича эришилган илмий натижалар асосида:

ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг назарий асослари, хорижий давлатларнинг илмий-методик ютуқлари, адабиёт фани дарсликларини тузиш тамойиллари, маъруза, конференция, семинар дарсларини фойдаланиш ва ташкил этиш ҳамда инновацион педагогик технологияларни амалда қўллашга доир таклифлардан “Қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикаси” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сон буйруғи, 274-001 рақамли гувоҳнома). Натижада академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш мазмуни такомиллаштирилган;

қорақалпоқ адабиётини ўқитишда жаҳон илм-фани ютуқларига мос таълимнинг янги шакллари, таълимни қафолатловчи ва амалда яхши натижа берадиган интерфаол усуллардан фойдаланиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар “Қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикаси” номли дарсликнинг мазмунида ўз аксини топган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 25 апрелдаги №01-01/11-1990/1-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикаси замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштирилган;

қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикасини тадқиқ этиш борасидаги таклифлар Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида амалга оширилиши 2017-2021 йилларга режалаштирилган ФЗ-2016-0908165532-сон “Қорақалпоқ тилининг янги алифбоси ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётни ривожлантириш методикаси” мавзусидаги фундаментал лойиҳага асос бўлган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 13 декабрдаги 89-06-12У-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг бадиий асар мазмунини ўзлаштириш, матн устида ишлаш малакалари ортишига эришилган;

академик лицейларда адабий кеча, конференция, саёҳат, кўргазмалар бурчак каби дарсдан ташқари машғулотларни интерфаол технологиялар ёрдамида ўтказишнинг самарадорлигини ошириш ва ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга доир таклифлардан қорақалпоқ адабиёти дарсларини ташкил этиш ва дарсдан ташқари машғулотлар сифатини такомиллаштиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2019 йил 23 сентябрдаги 07-06/5-09/600-сон маълумотномаси). Натижада ёшларни ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш имкониятлари ортган;

олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикасининг назарий, эстетик, методик асосларини тизимлаштириш, педагогик амалиётда фойдаланиш йўллариини такомиллаштиришга доир таклифлар “Қорақалпоқ адабиёти”, “Қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикаси”, “Тарбия назарияси ва методикаси” фанларини ўқитиш мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 13 декабрдаги 89-06-12У-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ адабиёти фани ўқитувчилари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчиларининг билим даражалари ва касбий компетентлиги ортишига имконият яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, шундан 1 та монография, 1 та дарслик, 3 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 15 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, ҳажми 240 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитишнинг илмий назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитишга доир ўқув дастурлари ва дарсликлар яратишнинг илмий-методик асослари, қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методлари ва шакллари оид долзарб масалалар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги махсус қарорида: “Ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятининг кўриниши ва фаол бўлишга ёрдамлашадиган, индивидуал талабларни ҳамда ҳар бир ўқувчининг қобилиятлари ва хусусиятларини эътиборга олиб, билимларни эгаллаш жараёнида эркин иш кўникмаларини шакллантирадиган ва ривожлантирадиган таълим муҳитини яратиш” кераклиги тасдиқланди. Шунинг учун ёш авлодни мустақиллик руҳида ҳар томонлама ривожлантириш, уларни баркамол инсон этиб тарбиялаш ва чуқур билим бериш масаласи ҳар бир педагогнинг мажбуриятли вазифаси этиб белгиланган. Таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш, ўқитувчилар касбий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, адабиёт дарсларга оид янгича ёндашувлар, ўқувчиларга ижодий муносабатда бўлиш мазмуни баён этилган. Адабиётдан давлат таълим стандартлари асосида ўқув режалари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқиш, адабий таълим сифат-самарадорлигига эришишнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикасига оид асосий тушунчалар, дастур ва дарсликлар ўртасидаги узвийлик, ўқитиш тамойиллари, дарсларни ташкил этиш ва режалаштириш, интерактив методлар, бадий асар таҳлили, ёзувчи ижодини ўрганиш, дарсдан ташқари

машгулотларда таълим-тарбия бериш масалалари боб мазмунига сингдирилган. Адабиёт ўқитишнинг муҳим масалалари бўйича олимларнинг қарашларини қиёсий ўрганиш, методик-назарий фикр-мулоҳазаларнинг ривожланиш йўналишини белгилаб бериш зарур. Ю.О.Богданова, А.С.Леорова, Ф.В.Чертова⁸, И.В.Боголюбoв⁹, А.Зуннунов, Н.Хотамов, Ж.Эсонов, А.Иброҳимов¹⁰, Ш.Исломов¹¹, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова¹², С.Матжонов¹³, Қ.Юсупов¹⁴ ва бошқаларнинг методик ишларида мактабда адабиёт ўқитилиши масалаларига доир методик ҳамда назарий фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Қорақалпоқ адабиёти дастурига киритилган материаллар ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини эътиборга олиб, қорақалпоқ адабиёти, қардош халқлар ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналари билан таништириш, ёшлар қалбида ватанга муҳаббат, миллийлик, одоб-ахлоқлик сингари фазилатларни шакллантириш, шу билан бирга ўқувчиларда миллий меросларни кадрлаш туйғусини уйғотиш, бадиий асарларнинг поэтик хусусиятларини ўргатиш орқали фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш лозим. Шу боис адабиёт дастурига киритилган материаллар сараланма адабий асарлар бўлиб, бадиийлиги, тил хусусиятлари ва миллийлиги жиҳатдан ўқувчиларнинг психологик ва педагогик талаблари ҳисобга олиниши керак.

Академик лицейларга мўлжалланган дастурларни тузишда қуйидаги принципларга таяниш зарур: 1. Дастурга киритилган материаллар сараланма бўлиши лозим. 2. Танланган ҳар бир адабий материал ўқувчиларнинг психологик ёш хусусиятларига лойиқ бўлиб, шу орқали адабий асарларнинг тарбиявий аҳамиятини инобатга олиш керак. 3. Дастурга киритилган ёзувчиларнинг ижодий маҳоратига, асарларининг сифатига эътибор қаратиш лозим. 4. Назарий материаллар ўқувчиларнинг ёш хусусиятига кўра осондан қийинга қараб танлаб ва сайлаб олиниши керак.

Академик лицейлар учун дарсликларни яратишда қуйидаги принципларга асосланиш керак: 1. Дастур ва дарслик ўртасида зич алоқа бўлиши лозим; 2. Дарслик яратишда дастурда кўрсатилган мавзулар асосида адабий материаллар йигилади. Дастурдаги ҳар бир мавзу бўйича дарсликка материал танланиб, бу мавзуларга режа, топшириқ ва саволлар ишлаб чиқилади; 3. Дарсликдаги адабий материаллар аввал мактаб дарсликларида берилган бўлса, такрорга йўл қўймаслик лозим; 4. Дарсликка киритилган материалларнинг тарбиявий аҳамияти, сифати ва кетма-кетлигига амал қилиниши зарур; 5. Дарсликда берилган материаллар бўйича режа тузилиб, унда таянч сўзлар, топшириқ ва саволлар, фойдаланилган адабиётлар

⁸ Богданова О.Ю., Леорова С.А., Чертова В.Ф. Методика преподавания литературы. – Москва: Педагогика, 2002. – 162 с.

⁹ Боголюбoв В.И. Эволюция педагогических технологий // Школьные технологии. 2004. - № 4. – С. 12-21.

¹⁰ Зуннунов А., Хотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 332 б.

¹¹ Исломов Ш. Изучение лиро-эпических произведений на уроках родной литературы в IX–X классах таджикской школы: Автореф. канд. пед. наук. – Москва, 1990. – С. 26.

¹² Хусанбоева Қ., Ниёзметова Р. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Баркамол фойз медиа, 2018. – 352 б.

¹³ Матжонов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш. Пед. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 36 б.

¹⁴ Yusupov Q.A. Qaraqalpaq ádebiyatın oqıtıw metodıkası.– Tashkent: Sano-standart, 2018. – 336 б.

рўйхатини бериш мақсадга мувофиқ бўлади; 6. Дарсликдаги материаллар учун тузилган режага мос, яъни ҳар бир саволга аниқ жавоблар берилиши шарт. Афсуски, академик лицейларга мўлжалланган дастур ва дарсликларни тузишда бу принциплар эътиборга олинмаганлиги кузатилади¹⁵.

Академик лицей ўқувчилари учун мўлжалланган адабиёт дастурида берилган бадиий асарларни таҳлил қилиш ва унга қўйиладиган талаблар, матн таҳлили, таҳлил турлари ва усуллари дарс давомида ўрганилади. Бадиий асарни таҳлил қилиш орқали ўқувчиларга одоб-ахлоқ, эстетик, маънавий тарбия бериш масалалари, ўқувчиларга ҳар бир халқ ўзининг юксак маданияти, маънавияти билан кучли эканлиги етарлича тушунтирилади. Дарс турлари ҳисобланган янги билим бериш, семинар, ўйин, мусобақа, тест, конференция ва мулоҳаза юритиш дасрлари орқали дастурда келтирилган материаллар ўрганилади. Қорақалпоқ адабиётини ўқитиш мобайнида ўқитувчилардан педагогик ва методик маҳорат талаб қилинади. Ҳар бир адабиёт дарси фалсафа, тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, эстетика, педагогика, психология фанлари билан боғлиқ ўтилиши фанлараро интеграцияни таъминлашга хизмат қилади.

Академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитишда конференция, ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини текшириш, аралаш, умумлаштириш, янги билим бериш каби дарсларда педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорлик, уларнинг вазифаларини ўзгартириш зарурати, педагогик технология, интерфаол ўқитишнинг технологик хусусиятлари тўғрисида фикрлар билдирилган. Шунингдек, бадиий асарларни таҳлил қилишнинг мақсад ва тамойилларини ўрганиш, илмий таҳлил, эстетик таҳлил, дидактик таҳлил мазмуни, бу таҳлил турларини амалиётда қўллай билиш масалалари тадқиқ этилган. Шу нуқтаи назардан рус, ўзбек ва қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикаси билан боғлиқ тадқиқот ишларига, илмий методик ишларга тўхтаб ўтишни лозим топдик. О.Ю.Богданова, С.А.Леонова, Ф.В.Чертова, А.Зуннунов, Н.Хотамов, Ж.Эсонов ва бошқаларнинг методикага оид ишларида умумий ўрта таълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг муҳим масалаларига эътибор берилган.

Дарс – бу ўқитишнинг асосий шакли. Адабиёт дарсларини ташкил этиш масалалари бўйича Қ.Йўлдошев, Б.Тўхлиев, А.Пахратдинов, Р.Ниёзметова каби олимларнинг назарий ва амалий кузатишлари мавжуд. Таниқли методист Қ.Йўлдошев томонидан тақдим этилган адабий таълимда дискуссия, саёҳат, конференция, мусобақа, семинар дарсларини уюштиришга доир назарий тавсиф ва маълумотлар¹⁶дан фойдаланиш йўллари кўрсатилган. Методист олим Б.Тўхлиев дарс ҳақида ўз фикрларини билдириб, бир неча дарс турларини таъкидлаб ўтади. Профессор А.Пахратдиновнинг изланишларида умумий ўрта таълим мактабларида қорақалпоқ адабиётини ўқитишда ҳозиргача бекор қилинмаган, ҳатто зарур саналган кириш, аралаш, бирлашган, ўқувчиларни янги билимлар билан таништириш, синов,

¹⁵ Akademiyalıq liceyler ushm qaraqalpaq ádebiyatınan úlgi baǵdarlaması. Nókis, 2010, 2014, 2018, 2020.

¹⁶ Йўлдошев Қ., Мадаев О., Абдураззоқов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Тошкент, 1994. – 32–35-бб.

хулосалаш, такрорлаш, семинар шаклидаги дарс турлари мавжудлиги баён қилинган¹⁷.

К.Палымбетов томонидан замонавий мактабда янги билимларни ўзлаштириш дарси; иқтидор ва кўникмаларни ўзлаштириш дарси; билимларни комплекс қўллаш дарси; билимларни умумлаштириш ва системалаштириш дарси, билимларни, иқтидор ва кўникмаларни текшириш, баҳолаш ва тузатиш дарси каби дарс турларини тавсия этилади¹⁸. Қайд этилган дарс турлари методик жиҳатдан янада такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ, чунки узлуксиз таълимда адабиёт ўқитиш бевосита шахс маънавиятини юксалтиришга дахлдордир. Шу маънода академик лицейларда адабиёт ўқитишда, асосан, икки масалага аҳамият берилди. Булардан биринчиси сифатида қорақалпоқ адабиётини ўқитишда дарсга қўйиладиган талаблар ва уни ташкил этиш шакллари ўрганилган бўлса, иккинчиси, қорақалпоқ адабиётини ўқитишда таълим методларидан фойдаланиш усуллари назарда тутилган.

Дарс жараёнини ташкил этишнинг асосий тури сифатида ўқитиш билан боғлиқ муаммолар белгилаб олиниши зарур. Қорақалпоқ адабиётини ўқитишда дарсларнинг сифатли ва самарали бўлиши учун қуйидаги методик талабларга амал қилиш муҳим саналади:

– академик лицей ўқувчиларига мўлжалланган қорақалпоқ адабиёти дарслиги давлат таълим стандарти ва ўқув дастурига мувофиқ тарзда ўқувчиларни зарур билим ва кўникмалар тизими билан қуроллантириши;

– дарс мақсади ва вазифалари, ундаги методик масалалар аниқ белгиланиши;

– таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсад ва уларнинг бирлиги сақланиши;

– ўқувчиларни умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий гоя ва мустақиллик мафкураси сингдирилиши;

– қорақалпоқ адабиётини ўқитиш орқали халқ ўтмишини бугунги кун билан боғлаш, ўқувчилар қалбида ўз ватани ва халқига нисбатан ифтихор туйғулари шакллантирилиши зарур.

Шунингдек, дарс мобайнида ҳар бир ўқувчига индивидуал муносабатда бўлиш, иқтидорли, истеъдодли ва паст ўзлаштирадиган ўқувчилар билан яқка ишлашишни таъминлаш, ёшларни билимни мустақил излаб топишга, билимни мустақил эгаллашга одатлантириш, дарс жараёнида ўқувчиларда эркин фикрлаш, мулоҳаза юритиш ва иқтидорини ривожлантириш зарур.

Қорақалпоқ адабиётини янги билим бериш дарси, конференция, диспут дарс турлари орқали ўқитиш энг муҳим методик масалалардан саналади. Шундан конференция дарси методикасига тўхталишни маъқул деб билдик. Методистлар: “Конференция дарси дарсда ва дарсдан ташқари ўтиладиган дарс тури. Материалларни конференция дарси орқали қуйидаги мақсадларда ўрганамиз. Ўтиладиган материал ҳақида тушунча, материални ўрганишда илмий-назарий ишларни чуқур билиш, материални ўрганишда

¹⁷ Паҳратдинов Ө. Қарақалпоқ адабиятын оқитиш методикаси. – Нөкис: Билим, 2004. – 130–131-бб.

¹⁸ Палымбетов К., Пирниязов И., Бердимуратов Р. Өдебиятты оқитиш методикаси. – Нөкис, 2009. – 16-б.

Ўқувчиларнинг мавзуга доир тушунчасини ривожлантириш”¹⁹ - деб конференция дарсининг мақсад ва вазифаларини аниқ ёритиб беришган. Бу дарс турига оид методик мулоҳазалар кам. Шу боис конференция дарсининг мазмуни ва уни ўқитиш усуллари, дастурда берилган материалларни конференция дарси ёрдамида ўқитиш масаласи ва ўзига хослигига эътибор қаратилди.

Адабиёт дастурида берилган материалларни ҳар хил дарс турлари ёрдамида ўқитиш ўқувчиларнинг дарсга қизиқиши, билими, назарий тушунчаси ва кўникмаларини кенгайтиради. Шунингдек, адабиёт ўқитишда мулоҳаза юритиш дарсидан фойдаланиш, дарснинг мақсад ва вазифалари, дарсни ташкил этиш, дарсда ўқувчиларни баҳолаш усулларига методик тавсия ва фикрлар берилди. Мулоҳаза дарси – бу ўқувчиларнинг ақл-идрокини, фикрлаш қобилиятини ривожлантириб, адабиётга қизиқишини орттиради.

Умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда дарс шаклларида фойдаланишнинг ўзига хослиги мавжуд. Биринчидан, мактабларда қорақалпоқ адабиётини ўқитишда аралаш дарс, бирлашган дарс, ўқувчиларни янги билим бериш дарси билан таништириш, кириш, такрорлаш, ўйин дарс турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, мактаб ўқувчиларининг ёш хусусиятлари, ҳар бир дарс вақти, дастурда берилган материалларнинг осондан қийинга қараб тузилиш принциплари эътиборга олинishi керак. Учинчидан, академик лицейларда конференция, фикрлаш, маъруза, семинар дарс турлари орқали ўқитиш ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини, дарсга қизиқишини ошириб боради. Ҳар бир адабиёт дарси фалсафа, тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, эстетика, педагогика, психология, география, математика фанлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши зарур. Натижада ўқувчилар онгида фалсафий, эстетик, нафосат қаби маънавий туйғулар шаклланиб боради.

Диссертациянинг **“Академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш”** деб номланган иккинчи бобида қорақалпоқ адабиётини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига инновациянинг татбиқ этилиши, самарали таълим берувчи ва амалда яхши натижа берадиган ўқитиш йўллари ўзлаштиришдаги асосий вазифалар, жаҳон ютуқларига мос таълимнинг янги усуллари, йўллари ишлаб чиқиш масалалари ўрганилди.

Ўқитишда инновацион технологияларни қўллашга оид Ж.Г.Йулдошев, Н.Азизходжаева, Г.Д.Баубекова, Г.М.Халикова, Н.Шамшиева, Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоева ва шу қаби олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилди. Бундай янгиликларни ўқитиш жараёнига татбиқ қилиш зарурати ва аҳамияти катта. Биринчидан, давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ амалга ошириш учун ўқитишни жадаллаштириш, адабиёт ўқитишда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатни, уларнинг вазифаларини

¹⁹ Yusupov Q.A. Qaraqalpaq ádebiyatın oqıtıw metodıkası. – Tashkent: Sano-standart, 2018. – 48-6.

Ўзгартириш, иккинчидан, педагогика ва адабиёт ўқитиш методикаси фанларининг тез суръатда ривожланиши натижасида бу фандаги янгиликларнинг кўпайиши, тез тарқалиши, ўзгариши ва уларни ёшларга ўргатишда вақтнинг етишмаслиги, учинчидан, XXI асрда ёшларга қорақалпоқ адабиётига оид назарий фикр-мулоҳазаларнинг чуқурлашиб, аниқ хулосаларга, амалий аҳамиятга эга бўлганлиги, ёш авлодни тарбиялашда педагогик принципларни эътиборга олиб, замонавий ўқитиш усулларида фойдаланишга бўлган талабнинг ортиши ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қорақалпоқ адабиётини ўқитишда интерактив технологияни қўллашнинг ўзига хос методик хусусиятлари бор.

Қорақалпоқ адабиётини ўқитишда интерактив усуллар қуйидаги натижаларга олиб келади:

- ўқувчиларнинг адабиёт дарсига, фанга бўлган қизиқишлари кучаяди;
- ўқув материалларини мустақам ўзлаштириш имконияти кенгаяди;
- чуқур мулоҳаза юритиш ва эркин фикрлаш қобилияти ривожланади;
- сўз маданияти шаклланади;
- ўқув-билиш фаоллияти шаклланади;
- ўқиш учун қулай психологик муҳит яратилади.

Қорақалпоқ адабиётини ўқитишда интерактив ўқитиш технологиясини қўллашнинг мақсад ва вазифалари бор. Биринчидан, қорақалпоқ адабиёти дарсига барча ўқувчилар тўлиқ қатнашиши керак. Дарс давомида уларни бир-бири билан алмаштиришга имкон берадиган технологияни қўллаш фойдали. Адабиёт дарсида ўқувчи кичик гуруҳнинг доимий аъзоларига айланиб қолмаслиги лозим. Иккинчидан, қорақалпоқ адабиётига бағишланган дарсда ўқувчиларнинг технологик тайёрлигини билиш зарур. Бунда қорақалпоқ адабиёти дарсига келганларнинг барчаси дарснинг хоҳлаган турига тайёр бўлишини эътиборга олиш, шу билан боглиқ ҳолда дарсда фаол қатнашган ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларнинг ўз-ўзини таҳлил қилиши учун имконият яратиш керак. Учунчидан, қорақалпоқ адабиёти бўйича ўтказиладиган интерактив технологияда ўқувчилар сонининг кўп бўлмагани маъқул. Мулоҳаза қилиш дарсида кичик гуруҳлардаги ўқувчилар сонининг ошиб кетиши натижасида фикр алмашинишда индивидуал жавоб беришнинг вақти чекланади. Шунинг учун ўқувчи сони кам бўлсагина кичик гуруҳдаги фаолият самарали ҳисобланади. Чунки ҳар бир ўқувчининг нутқи, масалага доир ҳар бир гуруҳнинг фикр алмашиши, зарур бўлганда бир-бири билан аралаштириш имконияти ошади. Тўртинчидан, қорақалпоқ адабиёти бўйича дарсни ташкил этишда ўқув хонасининг тайёрлигига, ўқувчиларнинг гуруҳларда ўтиришига, иш бажаришига эътибор қаратилиши лозим. Ижодий иш учун керакли материалларни олдиндан тайёрлаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бешинчидан, қорақалпоқ адабиёти бўйича ўтказиладиган дарсда қўлланиладиган интерактив технология жараёнида тартиб ва регламент масалаларига доимий эътибор берилиши шарт. Шунингдек, ҳар бир гуруҳ аъзосига сўз эркинлигини бериш, бир-бирини ҳурмат қилиш, тартибни сақлаш кераклиги огоҳлантириб ўтилади. Олтинчидан, қорақалпоқ адабиёти

дарсида ўқувчиларнинг гуруҳларга бўлинишида, аввало ўз эрки асосида бўлиниши, сўнгра тасодифий танлов тамойилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Еттинчидан, қорақалпоқ адабиёти бўйича ўтказилган интерактив технологияларнинг натижалари адабиётчи ўқитувчи томонидан хулосаланиб, гуруҳ аъзоларига тегишли баҳолар кўйилиши керак.

Академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитишда муаммоли маъруза, монографик маъруза, шарҳлаш маърузаси, фаол маъруза, энергия алмашилиш маърузаларидан фойдаланишнинг методик масалаларига доир фикрлар айтилиб, унда маъруза дарсини ташкил этиш усуллари, ўқитиш технологиялари дастурда берилган материаллар асосида амалга оширилади. Қорақалпоқ адабиёти дастурида берилган материалларни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали ўқувчилар онгида инсонийлик, ватанга муҳаббат, бири-бирига хурмат туйғулари шаклланиб боради.

Академик лицей ва умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт дарсларида қўлланадиган ёндашувлар ўқувчиларнинг психологик, ёш ва индивидуал хусусиятлари, шунингдек, турли жанр ва турли мавзудаги асарлар табиатидан келиб чиққан ҳолда танланади. Таълим амалиётида метод, усул ва технологияларнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари, қўлланиш ўринлари ва гуруҳланиши турли вазиятларда фойдаланиши жиҳатидан ҳам фарқланади. Академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитишда ФСМУ, кластер, венн диаграммаси, инсерт, аклий ҳужум, зиг-заг сингари интерфаол методлардан фойдаланиш методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин бу методларнинг айримлари мактаб ўқувчилари учун баъзи ҳолларда қийинчиликлар тугдиришини таъкидлаш жоиз.

Ўзбек методистлари Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоевалар “Педагогик технологияларнинг қўлланиш асослари” номли ишида мактабларда дарс жараёнида бу методларни қўллашнинг аҳамиятига кенг тўхталиб, ўзларининг методик мулоҳазаларини билдиришган²⁰. Лекин бу методлар мактаб ўқувчилари учун бир қанча қийинчилик тугдиради.

Диссертациянинг «**Академик лицейларда дастурда берилган адабий материалларни ўқитиш усуллари**» деб аталган учинчи бобида бадиий асарларни таҳлил қилишнинг илмий методик асослари, адабиётда бадиий асар таҳлили, унинг вазифалари, аҳамияти ҳақида машҳур олимлар А.Кан-Калик, В.И.Хазан, Б.Г.Бобилев, Г.Н.Тараносова, Д.Азизов, Г.Усова, А.Лилов, Қ.Йўлдошев, С.Матжонов, Қ.Хусанбоеваларнинг ишларида филологик ва методик нуқтаи назардан фикрларини баён қилишган. Ўзбек адабиёти ўқитиш методикасини махсус тадқиқ қилган таниқли адабиётшунос ва методист олимлар Қ.Йўлдошев ва М.Йўлдошевлар бу масалага методик ёндашиб, “Бадиий таҳлил асослари” номли ишида: “а) фикрлашиш-коммуникативлик; б) баҳолаш-аксиологик; в) тарбиявий ва одоб-ахлоқлилик; г) завқлантириш-ҳедонистик; д) билиш - гносеологик”²¹ - деб адабиётнинг

²⁰ Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикий асослари. – Тошкент: Фан, 2006. – 261 б.

²¹ Йўлдош Қозокбой, Йўлдош Муҳайё. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент: КАМАЛАК, 2016. – 30-б.

вазифасини беш турга ажратиб, ҳар бир турга назарий қарашларини келтириб ўтади.

Қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикасида бадиий асарни таҳлил қилиш ва бадиий асар устида ишлаш босқичлари, таҳлил мақсади, вазифаси, тузилиши, ўзига хос мазмуни бор. Ҳар бир ижодкорни асари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ва ўзига хос хусусияти билан ўрганиш талаб этилади.

Адабиёт дастурида берилган бадиий асарларни таҳлил қилиш орқали ўқувчилар асарнинг гоёвий мазмуни, образлари ва жанрий сифатлари билан танишади. Шу билан бирга асарни таҳлил қилишнинг етакчи тамойилларини асос қилиб олиш зарур. Бадиий асар мавзуси, гоёси, унда тасвирланган воқеаларнинг қайси даврга оидлиги, ўша даврнинг акс этганлигини ўрганишда, ёзувчининг ўзи яшаётган даврга муносабатини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Эпик турдаги асарлар дастурда кўрсатилган соатлар ҳажмига мувофиқ ўрганилиши, шунингдек, насрий асарларнинг қуйидаги талаблар асосида таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ:

- насрий асарлар бўйича ўқувчиларнинг илмий фикрлашини ривожлантириш;
- насрий асарларда тасвирланган даврнинг характерли белгиларини ўргатиш;
- қаҳрамонлар табиати, руҳияти ва ички дунёсидаги ўзига хосликни таҳлил қилиш.

Ўқувчилар бадиий асарни таҳлил қилиш жараёнида асарнинг шакл ва мазмун бирлигини ўзлаштириши, асарнинг жанр турини, асарда қўйилган асосий муаммони аниқлай олиш, сюжет, композиция элементлари, образлар олами ва бадиийлик, гоёвий аҳамиятини билиш каби билим ва кўникмаларини шакллантириб боради.

Академик лицей ўқувчилари учун мўлжалланган адабиёт дастурида берилган А.Бегимов, М.Дарибаев, Н.Даўқараев, А.Шамуратов, Ж.Аймурзаев, Ў.Айжанов, К.Султанов, Т.Қайипбергенов, Ш.Сейитов, К.Мамбетовларнинг насрий асарлари турли жанрга тааллуқли. Ўқувчиларга Ж.Аймурзаев, Н.Даўқараев, А.Шамуратов, М.Дарибаевнинг асарларини таҳлил қилиш жараёнида асар мавзуси ва гоёси, сюжети, композицияси ва қаҳрамонлари, тили ва бадиийлиги, тарбиявий аҳамиятига эътибор қаратилади.

Дастурда келтирилган Ў.Айжанов, К.Султанов, Т.Қайипбергенов, Ш.Сейитовнинг романларини ўқувчиларга ўргатиш муҳим методик масалалардан бири. Шу боис бадиий асар мазмуни ва унинг гоёвий йўналишини билиш, асар сюжетини аниқлаш, қаҳрамонларнинг характерини тушуниш, тўлиқ ёритиш ва уларнинг портретини белгилаш, пейзаж, бадиий деталларни билиш, бадиий асардаги образлар дунёсини аниқлаш, асар композициясини очиқ бериш керак.

Шунинг натижасида, биринчидан, академик лицей ўқувчилари асарнинг бадиийлиги, эстетик даражаси, воқеаларнинг теранлиги, эпик турда баён қилиниши ва уларнинг тарихий даврлар шароити билан қаҳрамонлар образи, қаҳрамонлар психологияси ҳақида кенг тушунчага эга бўлади. Иккинчидан,

атоқли ёзувчиларнинг насрий асарларини қизиқиш билан ўқишга ҳаракат қилади. Қахрамонлар образининг таъсирчанлиги ёш авлод тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Учинчидан, қорақалпоқ адабиёти дастурида берилган насрий асарларни таҳлил қилиш орқали бадиий асар сюжети, қахрамон образларига оид ўқувчиларнинг тушунчаси ошиб боради. Натижада уларнинг адабиётга бўлган қизиқиши ортиб, тил бойлиги, халқ тарихини чуқур билиш тушунчаси ривожланиб, уларнинг бадиий эстетик даражаси ошади.

Академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитишда ёзувчининг ҳаёт йўлини ўрганиш энг муҳим методик масалалардан саналади. Бу масала бўйича олимлар Н.Ю.Посталюк²², В.А.Кан-Калик²³, Л.Б.Хван,²⁴ Ф.Исҳоқов,²⁵ Қ.Ю.Осупов²⁶, Қ.Ю.Осупов, И.Мамбетов²⁷ ва бошқаларнинг ишларида ёзувчи-шоирларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга оид методик қараш акс этган.

Қорақалпоқ адабиёти дастурида ёзувчи таржимаи ҳолига оид материаллар кўп берилган. Дастурда келтирилган ёзувчи ҳаётини кетма-кет тарзда методик жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир ёзувчининг таржимаи ҳолини ўрганиш унинг асарларига изох ёки кириш сифатида қаралади. Ўқувчилар ёзувчиларнинг ҳаётини ўрганиш орқали ўз Ватани ва халқи учун қилган хизматлари, инсонийлиги, жасоратларидан намуна олади. Шу боис ёзувчининг таржимаи ҳоли ўтилганда унинг тарбиявий жиҳатига эътибор қаратиш керак.

Ёзувчиларнинг таржимаи ҳолини тушунтиришда улар ҳаётининг асосий лаҳзалари, ўша давр ҳақиқати, тугилиб ўсган, тарбия олган муҳит ва муносабати тўғрисида маълумотлар ҳар бир дарсга мос айтиб ўтилади.

Академик лицейларда ёзувчилар таржимаи ҳолини ўқитишда уларнинг ҳаётдан бериладиган қисқача ҳаётий тавсиф, ҳаёти тўғрисида ҳикоя ва қисқача очерк каби методик масалалар эътиборга олинади. Ёзувчининг ҳаёти ва ижод йўли, асарларининг гоёвий-бадиий тавсифини изохлаш, тарихий адабий масалаларни ёритиш етакчи ўрин эгаллайди.

Ёзувчилар таржимаи ҳолига багишланган дарснинг самарали ва сифатли ўтилиши энг дастлаб ўқитувчининг тайёргарлигига, материал йиғиб, яхши режага асосан баён қилинишига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ўқитувчи ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган адабиётшунослар асарларидан дарсга материал сифатида фойдаланиши керак. Бу масалада қорақалпоқ адабиётига оид бир қанча илмий асарлар Н.Даўқараевнинг “Бердақ шоир”, И.Сагитовнинг “Сахро булбули”, Б.Исмайловнинг “Кунхўжанинг ижоди”, А.Пахратдиновнинг “Садиқ Нурибетовнинг ижод йўли”, С.Аллаяровнинг “М.Дарибаев ҳаёти ва ижоди”, Г.Есемуратовнинг “Нажим Даўқараев”,

²² Посталюк Н.Ю. Творческий стиль деятельности: педагогический аспект. – Казань: Изд-во Казанского унив-та, 1989. – С. 204.

²³ Кан-Калик В.А. Педагогическая деятельность как творческий процесс: Автореф. дис. ... д-ра псих. наук. – Л., 1985. – С. 56.

²⁴ Хван Л.Б. Изучение биографии писателя в школе. – Нукус: Билим, 1991. – С.132.

²⁵ Исҳоқов Ф. Мактабда Гулҳаний адабий меросининг ўрганилиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 112 б.

²⁶ Yusupov K.A. Sh.Seytov prozasini taltaw usillari. Metodikalıq qollanba. – Nókis: Miraziz Nukus, 2017. – 63 б.

²⁷ Yusupov K.A., Mambetov I.K. Kamal Mambetovning omiri ham doterivshiligin uyreniw usillari. Metodikalıq qollanba. – Nókis: Miraziz Nukus, 2017. – 68 б.

“Ибрайим Юсуповнинг поэзияси”, А.Каримовнинг “Жийен жиров хаёти ва ижоди”, “Ўтеш шоир хаёти ва ижоди” ва бошқа асарлар мавжуд. Булар орасидан ўқитувчи ўтиладиган дарс характериға қараб зарур жойларидан фойдаланиши мумкин. Ёзувчининг таржимаи ҳолини ўрганишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари эътиборға олинади.

Адабиёт дарсларида ёзувчилар ижодини ўқитишда ҳар бир ёзувчининг сирли ва жумбоқли эканлиғига, ҳар бир адибнинг ички дунёси, ижод жараёнидаги психологик кечинмаларининг бир-бириға ҳеч ўхшамаслиғи ўқувчиларда қизиқишни юзаға келтиради. Шу сабабдан машҳур адабиётшунослар З.Қабдолов, Қ.Йўлдошев, К.Мамбетов, Қ.Камалов, А.Пахратдинов, Ў.Алеёв, К.Алламбергенов, Қ.Оразимбетов ва бошқаларнинг ишларида қайд этилган. Масалан, адабиётшунос З.Қабдолов ёзувчиларнинг ижод жараёнидаги ҳолатлари билан боглиқ кўпгина қизиқарли ва сирли фактларни келтиради²⁸. Уларға эътибор бериб қарасак: атоқли ёзувчи Э.Хемингуэй кўкрағига келадиган кафедра-минбар олдида туриб ёзмаса иши юришмаган, баъзилар эса ерда узунасига ётиб ёзган, яна бошқалари уйдан қочиб саёҳатда ёки ижод уйларида ёзишади, айримлари ўз уйлари, ўз столдан бошқа жойда иши юришмаслигини айтишади. Буларнинг барчасини ўқувчиларға қизиқарли тарзда тушунтириш ўқитувчининг ўқитиш маҳоратига боглиқ амалға оширилади. Натижада ўқувчилар қорақалпоқ адабиёти дастурида берилган ёзувчиларнинг ижодини ўрганиш орқали ватанға муҳаббаги, умуминсонийлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, виждонийлик, қийинчиликни ҳамда билиш қаби туйғуларни онғида шакллантириб, бадий адабиётға бўлган қизиқишларини ошириб боради.

Диссертациянинг **“Академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини дарсдан ташқари машғулотлар орқали ўрганишнинг илмий методик масалалари”** деб номланган тўртинчи бобида қорақалпоқ адабиёти бўйича дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва уларнинг мазмуни методик жиҳатдан таҳлил қилинди. Бунда адабиёт дастурида берилган материалларни дарсда ўрганиб чиқиш етарли даражада бўлмаганликдан айрим адабий материалларни дарсдан ташқари машғулотлар орқали ўрганиш мақсадға мувофиқ бўлади. Бу масала бўйича Т.Р.Ниязматова, М.Мирқосимова, Сафо Очил, А.Абдураззоқов, И.Калмиковаларнинг методик тадқиқотлари ва асарларида ўқувчиларнинг билим даражаларини кенгайтириш, билимини ошириш, дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш усуллари ва уларни ўтказишнинг методик аҳамиятиға эътибор қаратилган.

Адабиёт фанидан ўқувчилар дарсдан ташқари машғулотлар орқали дарс жараёнида олган билимларини мустаҳкамлаб, дунёқарашларини янада ривожлантиришға имкон беради. Шу нуқтаи назардан ўқувчиларға адабиёт фани бўйича мукамал дарс бериб қолмасдан, дастур асосида материалларни дарсдан ташқари машғулотлар орқали ўргатиб бориш мақсадға мувофиқ. Қорақалпоқ адабиёти бўйича дарсдан ташқари машғулотлар мазмуни ва мақсадига кўра бир неча турларға бўлинади. Профессор А.Пахратдинов:

²⁸ Қабдолов З. Сөз өнери. – Алма-Ата: Мектеп, 1982. – 12-17-бб.

“1. Дарсдан ташқари ўтказиладиган ўқув ишларига дарсликлардан бошқа бадий асарларни ўқиш лозим эканлигини таъкидлайди. 2. Қорақалпоқ адабиётидан ўтказиладиган турли адабий тўғарак ишларини: адабий ижодий тўғарак, драмтўғарак, ифодали ўқиш ва бадий нутқ тўғараклари деб учга ажратиб кўрсатади. 3. Ҳар хил мазмунда ўтказиладиган конференциялар. 4. Мактаб кечалари ва эрталиклари. 5. Мактаб томонидан ўқувчилар учун ташкил этиладиган турли экскурсиялар. 6. Деворий газета ва журнал кабилар кирази”²⁹, - деб таъкидлайди. Бундай фикрлар С.Долимов, С.Ахмедов, Қ.Йўлдошев, Б.Тўхлиев каби олимлар ишларида бошқача нуқтаи назардан талқин қилинган.

Академик лицей ўқувчилари адабиёт фани бўйича дарсдан ташқари машгулотларни ўрганиш орқали қуйидаги билим ва кўникмаларни билиши керак:

- халқ оғзаки ижоди ва унинг турлари, мазмуни, сюжети, образлари ҳамда халқчиллигини билиши;

- бадий адабиётнинг асосий жанрлари, бадий асарларнинг тасвир воситалари, уларнинг тасвирлаш имконияти, ўрганилаётган асар мавзусининг гоъвий-бадий хусусиятларини билиш ва ўрганиб чиқиш;

- дарсдан ташқари машгулотлар орқали ўрганилган бадий асарлар бўйича оғзаки ва ёзма эркин фикр юрита олишни шакллантириш, ўрганган асарлардан олган таъсирларини тушунтира олиш;

- дарсдан ташқари машгулотлар орқали ўрганилган ёзувчи-шоирларнинг ижодини, ёзувчилик маҳоратини, ўзига хосликларини ажрата билиш, адабий қаҳрамонларнинг характерини очиб бера олишни ўрганиш лозим. Шунингдек, дарсдан ташқари машгулотлар орқали ўрганилган адабий материаллар асосида бадий эстетикани сезиш, уни сўз ёрдамида тасвирлаб бериш.

Ўқувчиларнинг билим даражаларини ўстириш, билимини ошириш, уларни ватаннинг содиқ фарзандлари қилиб тарбиялашда дарсдан ташқари олиб бориладиган машгулотларга алоҳида аҳамият бериш керак эканлигини огоҳлантириб ўтади.

Академик лицейларда дарсдан ташқари ўқув, тўғарак ишлари, кўргазмали бурчак ташкил этиш, адабий саёҳатлар, адабий журнал ва газеталар, адабий конференциялар ҳар бир ўқувчининг маънавий туйғуларини, қизиқишини орттиради. Ўқувчилар адабиёт бўйича ўтказилган дарсдан ташқари машгулотларда халқ оғзаки ижоди, қадим даврдаги қорақалпоқ адабиёти тарихи, XVIII аср қорақалпоқ адабиёти, XIX аср қорақалпоқ адабиёти, XX аср қорақалпоқ адабиёти ва XXI аср қорақалпоқ адабиётига оид адабий материалларни ўрганиши керак.


Адабиётга доир тўғарак ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш, ишнинг мазмуни ва вазифалари ҳақида методистлар С.Долимов, Х.Убайдуллаев, Қ.Ахмедов, Қ.Йўлдошев, А.Абдураззоқов, Б.Тўхлиев ва бошқалар ишларида методик қарашлар билдирилган.

²⁹ Пахратдинов Ө. Қарақалпоқ адабиятын оқытыў методикасы. – Нөкис: Билим, 1992. – 272-б.

С.Долимов, Х.Убайдуллаев, Қ.Ахмедовларнинг “Адабиёт ўқитиш методикаси” ишида тўғарак ишига тўхталиб: “Адабиёт ва адабий ўқув материаллари билан боглиқ бўлган тўғараклар асосан уч турли: 1. Адабий ижодий тўғарак. 2. Драматик тўғарак. 3. Ифодали ўқиш ва бадиий ҳикоя қилиш тўғараги”³⁰, - деб таъкидлашади. Бу тўғарак иш турларига ўз мулоҳазаларини билдириб ўтган. Ушбу фикрларни янада ривожлантириб Қ.Йўлдошев, О.Мадаев, А.Абдуразоқовлар “Адабиёт ўқитиш методикаси” номли ишида адабиёт тўғарак ишларини қуйидаги турларга ажратиб: “1. Адабий-ижодий тўғарак. 2. Ифодали ўқиш тўғараги. 3. Драма тўғараги. 4. Адабий-ўлкашунослик тўғараги”³¹, - деб келтиради.

Қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикасига оид тадқиқотчи профессор А.Пахратдинов: “Тўғарак ишларини адабий ижодий тўғарак, драматик тўғарак, ифодали ўқиш ва бадиий ҳикоя қилиш тўғараклари”, - деб уч турга ажратиб кўрсатади. Лекин профессор А.Пахратдинов томонидан келтирилган фикрлар С.Долимов, Х.Убайдуллаев, Қ.Ахмедовлар томонидан тўғарак тўғрисида айтилган қарашларига анча яқин бўлиб, ҳатто тўғаракларни ажратиш усули бир хил бўлиб қолганлиги кузатилади. Бу олимларнинг методик асарларида тўғарак иши ҳақида билдирилган фикрларига таянган ҳолда, ушбу масалага қуйидагича ёндашиб, гуруҳларга ажратишни маъқул топдик.

Қорақалпоқ адабиёти бўйича ўтказиладиган тўғарак ишларини бошқача усулларда гуруҳларга ажратиш мумкин: 1. Эпик тўғарак. 2. Лирик тўғарак. 3. Драматик тўғарак. Гуруҳларга кўра ажратиладиган тўғарак ишларини адабий тўғарак; ифодали ўқиш тўғараги; фольклор бўйича ўтказиладиган тўғарак ишлари; қорақалпоқ адабиёти тарихига оид ўтказиладиган тўғарак ишлари; шунингдек, мустақиллик даври қорақалпоқ адабиёти бўйича тўғарак ишларига ажратиш мумкин³².



1-расм. Академик лицейларда дарсдан ташқари машғулотлар турлари

³⁰ Долимов С., Убайдуллаев Х., Ахмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент, 1967, – 421-б.

³¹ Йўлдошев Қ., Мадаев О., Абдуразоқов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент, 1994. – 87-б.

³² Yusupov Q.A. Qaraqalpaq ádebiyatın oqıtıw metodıkası. – Tashkent: Sano-standart, 2018. – 265-б.

Академик лицейларда адабий конференция ва адабий кеча ўтказиш энг муҳим методик масалалардан саналади. Машҳур атокли олимлар А.С.Зуннунов, К.Жураев, Қ.Йўлдошев, С.Исмамов ва бошқаларнинг асарларида бу масалага доир методик фикр-мулоҳазалар билдирилган. А.Пахратдиновнинг “Қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикаси” номли ишида конференцияни ёзувчиларнинг бадиий ижодларига багишлаб ўтказилиши лозим эканлиги таъкидланган. Бу фикрни бошқа олимлар қўллаб-қувватлашади. Бизнингча, конференцияни икки йўналишда ўтказиш тўғри бўлади. Биринчидан, ёзувчи-шоирларнинг бадиий ижодига багишланса, иккинчидан, ёзувчиларнинг асарларига асосланиб илмий йўналишда ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Конференция ўтказиш режаларини қорақалпоқ адабиёти ўқитувчиси ишлаб чиқади.

Ўқувчиларнинг адабиётга бўлган кизиқишларини орттириш мақсадида дарсдан ташқари машгулотларнинг ҳали кенг тадқиқ қилинмаган тури кўргазмали бурчак ҳисобланади. Кўргазмали бурчакни ташкил этишдан мақсад академик лицей ўқувчиларининг қорақалпоқ адабиёти фанига бўлган кизиқишларини оширишдир. Мазкур жараёнда ўқувчиларга тавсия қилинган асарларни қайта ўқиб келиш, ёзувчи-шоирлар ижодига оид альбомлар яратиш, бадиий асарлар мазмуни асосида турли кўринишдаги расмлар чизиш вазифалари юклатилади. Бундай мазмундаги ишлар адабиёт ўқитувчисининг раҳбарлигида амалга оширилади. Кўргазмали бурчак ташкил этилиши адабиёт ўқитувчисининг дастур материаллари билан тўлиқ таниш бўлишини, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишини, эҳтиёж ва кизиқишларидан келиб чиққан ҳолда иш тутишини тақозо этади.

Кўргазмали бурчак ўтказиш усуллари ўқитувчининг методик маҳорати орқали амалга ошириб борилади. Шу боис қорақалпоқ адабиёти дастури асосида тематик, умумий мавзуларга боғлиқ кўргазмали бурчак ташкил этиш ўқувчилар учун фойдалидир. Дастур асосида кўргазмали бурчак ташкил этиш – бу ушбу гуруҳга дарс берувчи адабиёт ўқитувчиси орқали амалга оширилади.

Академик лицей ўқувчиларига кўргазмали бурчакнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади. Улар бир ёки икки ой ичида берилган мавзулар бўйича альбом, буклет, расмлар ишлаб келади. Уларнинг тайёрлаб келган ишлари бўйича хулоса қилинади. Энг яхши бажарилган ишлар ўқитувчи томонидан баҳоланиб, уларга баҳолар қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ўқувчилар ўз меҳнати орқали олган баҳолари билан гурурланиб юриши мумкин. Шундай қилиб, кўргазмали бурчакнинг аҳамияти куйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг дастурда берилган материалларни чуқур ва тушуниб ўзлаштириши учун фойдали томонлари кўп;

- берилган топшириқларни бажариш жараёнида шоир ва ёзувчининг ижодини кўпроқ ўқишга мажбур бўлади;

- берилган мавзулар бўйича расмлар, альбом ва буклетлар тайёрлаб келиши уларнинг адабиётга бўлган кизиқишини уйғотади;

Ўқувчилар томонидан бажарилган топшириқлар ўқитувчи учун кўрғазмали курол бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, дарсдан ташқари машгулотнинг бу тури – ўқувчиларнинг адабиётга бўлган қизиқишини оширибгина қолмасдан, адабиёт хонасининг безатилиши ва кўрсатма куроллар билан бойишига имконият беради. Шунинг учун адабиёт ўқитувчилари бундай ишларни дарс жараёнида эмас, дарсдан ташқари вақтларда тез-тез ўтказиб турса мақсадга мувофиқ бўлади.

Академик лицейларда чиқариладиган деворий газета ва журналларда турмушда юз бераётган янгиликлар, адабий янгиликлар, ўқувчилар томонидан ёзилган турли мавзулардаги мақолалар, ҳикоялар, шеърлар тўғрисида маълумот берадиган адабий ижодий марказ ҳисобланади.

Қорақалпоқ адабиёти бўйича ташкил этилган кўрғазмали бурчаклар ўқувчиларнинг изланувчанлигини ва эстетик туйғуларини кучайтирса, деворий газета ва журналлар ўқувчиларнинг ёзма фикр юритиш қобилиятини, ижодини, иқтидорини шакллантиради.

Адабий кечани ўтказиш давомида ёзувчининг ҳаёти, ижоди ҳақидаги маълумотларни слайдлар орқали тушунтирилса, ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.

Академик лицейларда адабий саёҳатлар ташкил этиш - бу ўқув ва тарбия ишларининг мазмунини такомиллаштиради.

Қорақалпоқ адабиёти хонаси ҳар томонлама талабга жавоб берадиган даражада жиҳозланиши лозим. Бу хонани безаш қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда тўғарак аъзолари, ўқувчилар иштирокида амалга оширилади. Адабиёт хонасини безашда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- ўқувчилар ўқиган бадиий асарлари асосида адабиёт хонасига расмлар, альбомлар тайёрлаб келиши керак;

- ўқувчилар орасидан чиққан энг истеъдодлилари орқали деворий газета ва адабий журналлар ташкил этиш;

- улар ёрдамида адабий бурчак ташкил этиш ва уни бойитиш;

- ёзувчи ва шоирлар, олимларнинг асарларидан ҳаволалар олиб, деворга эстетик талабларга жавоб берадиган даражада осиб қўйилиши керак.

Академик лицейларда яхши ташкил этилган қорақалпоқ адабиёти хонасида дарс ўтилиши, дарсдан ташқари машгулотлар ўтказилиши, қорақалпоқ адабиёти бўйича факультатив дарслар ўтилиши шарт. Хона ишининг характери ҳар бир фаннинг дастурга оид материалларининг мазмуни билан боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг **“Академик лицейларда ўтказилган тажриба-синов ишларининг мазмуни, методикаси ва эришилган натижалар таҳлили”** деб номланган бешинчи бобда тажриба-синов ишларини ташкил этиш имкониятлари, таҳлили ва натижаларининг самарадорлик даражаси кўрсаткичлари ўрганилган. Тажриба-синов ишларининг муайян тартиб ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлаган. Тажриба-синов ишлари дастурида ўқувчиларнинг бадиий асарларни таҳлил қилиш, дарсдан ташқари машгулотларда бадиий асарларни

Ўрганиш даражасини аниқлаш мезонлари, кўрсаткичлари ва усуллари аниқланган.

Тажриба-синов ишлари асословчи ва таъкидловчи босқичларда амалга оширилиб, унда Қорақалпоғистон Республикасидаги академик лицей ўқувчилари иштирок этишди. Об'ектив шарт-шароитларда сўровнома ва анкета саволларига жавоб олиш учун тажриба ва назорат гуруҳларига 360 нафар ўқувчи жалб этилди. Сўровнома ва анкета саволларига олинган натижалар умумлаштирилди. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижалари асосида ўқувчиларнинг бадиий асарларни таҳлил қилиш даражасини тажриба-синовгача бўлган даврда ўтказилган тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари умумий ҳолда статистик таҳлил қилинди. Математик ҳисоблаш қулай бўлиши учун репрезентатив тарзда тажриба гуруҳининг 182 нафар, назорат гуруҳининг 178 нафар талабаларининг кўрсаткичлари асос сифатида олинди. Тажриба аввалидаги таҳлил натижалари умумий ҳолда 1-жадвалда ифодаланган.

1-жадвал

Академик лицей ўқувчиларида дарс жараёнида бадиий асарларни таҳлил қилиш натижалари (тажриба аввалида)

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	182	43	86	53
Назорат гуруҳи	178	46	88	44


Статистик таҳлил учун тажриба сўнгидаги қуйидаги натижалардан фойдаланилди: тажриба якунида тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичларини x_i мос ўқувчилар сонини n_i билан, шунингдек, худди шу катгаликларни назорат гуруҳи учун мос равишда y_i, m_i лар билан белгилаб олинди. Натижада қиёсий таҳлил учун қуйидаги иккита статистик қатор

вужудга келди:

$$\begin{cases} x_i : 1 & 2 & 3 \\ n_i : 33 & 91 & 58 \end{cases} \begin{cases} y_i : 1 & 2 & 3 \\ m_i : 55 & 80 & 43 \end{cases}$$

Бу ерда “юқори” ўзлаштириш даражаси “3”, “ўрта” ўзлаштириш даражаси “2” ҳамда “паст” ўзлаштириш даражаси “1” рақамлари билан белгиланган.

Бу танланмаларга мос диаграмма ҳосил қилинди:




2-расм. Академик лицей ўқувчиларининг дарс жараёнида бадий асарларни таҳлил қилиш натижаларини аниқлаш диаграммаси (тажриба аввалида).

2-жадвал

Академик лицей ўқувчиларининг дарс жараёнида бадий асарларни таҳлил қилиш натижалари (тажриба сўнгида)

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	182	58	91	33
Назорат гуруҳи	178	43	80	55

Мазкур кўрсаткичлар диаграммада қуйидагича ифодаланди:



3-расм. Академик лицей ўқувчиларининг дарс жараёнида бадий асарларни таҳлил қилиш натижаларини аниқлаш диаграммаси

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини

кўриш мумкин. Бундан кўринадики, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Тадқиқот натижалари академик лицейларда янгича педагогик тафаккур ва адабиёт ўқитиш методикасининг энг сўнги талаблари кўзда тутилган ҳолда бир қатор дарс намуналарининг берилиши, конкрет асарлар таҳлилининг тавсия этилиши адабиёт ўқитувчилари фаолиятининг самарадорлигини оширади. Тадқиқот давомида академик лицей ўқувчиларининг бадиий асарларни таҳлил қилиш натижаларини, дарсдан ташқари машгулотларни ўрганиш даражаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини тасдиқланди.

ХУЛОСА

"Академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикаси" (ташқил этиш шакллари, дарсдан ташқари машгулотлар) мавзусидаги докторлик (DSc) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Академик лицейлар учун мўлжалланган дастур ва дарсликларнинг тузилиш тамойиллари алоҳида ўрганиб чиқилди. Лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш зарур эканлиги, ўзига хослиги ва адабиёт ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш, дастурда берилган материалларнинг мазмунини аниқланди.

2. Ўқув дастуридаги материаллар кетма-кетлиги ва мазмунига асосланиб ўқувчилар учун яратиладиган, тузиладиган дарслик, ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талабларни ўрганилди. Адабиётини ўқитишнинг илмий методик асослари, адабиёт фани дастури ва дарсликларнинг тузилиш принциплари, фан дастурида берилган материаллар асосида муаммоли, монографик ва шарҳлаш маърузаларидан фойдаланишнинг методик масалалари, маъруза дарсини ташқил этиш усуллари ва ўқитиш технологиялари такомиллаштирилди.

3. Ўқувчиларнинг белгиланган ўқув босқичларида ўзлаштириши лозим бўлган адабий билимлар, улар билан боглиқ шаклланиши керак бўлган билим ва кўникмаларнинг натижалари белгиланиб, махсус дарслар ташқил этиш зарур эканлиги кўрсатиб ўтилди.

4. Лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш орқали ўқувчиларга одоб-ахлоқ, эстетик, маънавий тарбия бериш масалалари, шунингдек, ҳар бир халқнинг юксак маданияти, маънавияти билан кучли эканлиги етарлича ўрганилди.

5. Дарс турларидан ўқувчиларни янги билимлар билан таништириш дарс тури, ўқувчилар билими, ишончи ва кўникишларини текшириб кўриш дарси, фикр юритиш, конференция, маъруза дарслари ҳақида тушунчалар берилди.

6. Адабиёт дарсида педагогик технологиядан фойдаланиш усуллари, таълим-тарбия жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат, уларнинг вазифаларини ўзгартириш зарурати, педагогик технология ҳақида, интерактив ўқитишнинг технологик хусусиятлари тўғрисида тадқиқот ишлари олиб борилди.

7. Қорақалпоқ адабиёти дарсларида интерактив методларнинг қўлланилиши, аклий хужум, кластер (тармоқлар), бурчаклар, уч босқичли интервью, айлана стол, зигзаг методи, инсерт методларининг қўлланиш усуллари кўриб чиқилди.

8. Дарс ва унинг турлари, методлардан фойдаланиш, кўргазмали куруллар, компьютерлар, видеопроекторлар, слайдлардан фойдаланиш усуллари тўғрисида кенг маълумотлар берилди. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма сўз маданиятини ривожлантириш йўллари, ижодий иш турлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилди.

9. Қорақалпоқ адабиёти фани дастурида берилган бадий асарни таҳлил қилишнинг илмий методик асослари ва дидактик усуллари такомиллаштирилган. Бадий асарларни таҳлил қилишнинг мақсад ва принциплари ўрганилди. Насрий, лирик ва драматик асарларни таҳлил қилиш жараёнида филологик таҳлил ва дидактик таҳлилларнинг аҳамияти кўрсатиб берилди.

10. Академик лицейларда дарсдан ташқари машгулотлар, тўғарак иши ва унинг турлари, адабий кеча, ўқув конференцияси, журнал ва деворий газета, саёҳат ва уни ўтказиш усуллари кўриб чиқилди ва методик масалалар амалга оширилди.

11. Тадқиқотда академик лицейларда қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикасида ўқитишни ташкил этиш давомида қўллаш мумкин бўлган ва қўлланганда самара келтирадиган тажрибаларнинг қуйидаги томонлари кузатилди:

- таълим-тарбия жараёнида адабий таълимни ташкил этишга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган зарур талаблар ва уларнинг ўлчовлари эътиборга олинди;

- академик лицей ўқувчиларига мўлжалланган адабиёт дастури, дарсликлар ва улар олдида қўйиладиган методик талаблар учун сезиларли даражада самарасини берди.

- адабиёт дастурида келтирилган материаллар, лирик, эпик ва драматик асарларни кенгрок ва чуқуррок ўрганиш усуллари кўриб чиқилди ва илмий-назарий-методик тадқиқ қилиниб ўз самарасини кўрсатди.

- янги педагогик қарашлар ва адабиёт ўқитиш методикасининг энг сўнгги талаблари инобатга олиниб, бир қанча дарс намуналарининг берилиши, асарларни таҳлил қилишнинг аниқ усулларининг берилиши адабиёт ўқитувчиларининг методик маҳоратини оширади. Бу иш назарий хулосалар билан қорақалпоқ адабиётини ўқитиш методикаси фанининг ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатиб, амалий таклифлар ўқитиш жараёнида эришиладиган натижалар сифатини янада оширади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРАКАЛПАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

ЮСУПОВ КОНЫСБАЙ АБЫЛОВИЧ

**МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ КАРАКАЛПАКСКОЙ
ЛИТЕРАТУРЫ В АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЯХ
(организационные формы, внеурочные работы)**

13.00.02 – «Теория и методика обучения и воспитания (филология)»

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Нукус – 2021

Тема диссертации доктор наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2. DSc/ Ped105

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (реюме)) размещен веб-странице Научного совета (www.karsy.uz) и Информационно-образовательном портале "Ziynet" по адресу (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Оразымбетов Кууаныпбай Келимбетович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Йулдошев Козокбой Бойбекович
доктор педагогических наук, профессор

Алеуов Усербай
доктор педагогических наук, профессор

Хопниязов Жалгас Хопниязович
доктор филологических наук

Ведущая организация:


Самаркандский государственный университет


Защита диссертация состоится 6 августа 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного Специализированного совета DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 при Каракалпакском государственном университете. (Адрес: 230112, город Нукус, улица Академика Ч.Абдилова, 1 дом. Тел: (99861) 223-59-25; факс: (99861)223-59-25, e-mail: karsy_info@edu.uz).


С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрирована за № __). Адрес: 230112, город Нукус, улица Академика Ч.Абдилова, 1 дом. Тел: (99861) 223-59-25.

Автореферат диссертации разослан 23 июля 2021 года.
(реестр протокол рассылки № 11 от 23 июля 2021 года)




Ш.Н.Абдиназимов
председатель разового Научного совета по
присуждению ученых степеней, докт.
филол.н., профессор


Ж.Е.Сейтжанов
ученый секретарь разового Научного
совета по присуждению ученых степеней,
канд. филол.н., доцент


У.Алеуов
председатель научного семинара при
разовом Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В процессе глобализации народов мира учебно-воспитательные проблемы имеют особое значение. “Образование – основная движущая сила прогресса и важная деятельность, ведущая к достижению целей стабильного развития”¹ – такое определение даёт новая концепция образования до 2030 года, принятая международными организациями и развитыми странами мира. Исходя из этой концепции совершенствование технологии обучения литературы в академических лицеях, совершенствование знания литературных подходов, улучшение качества образования на основе совершенствования теоретических знаний остается актуальным.

В процессе глобализации страны произошли значительные изменения в сфере образования. Педагогические школы совершенствуют учебный процесс на основе современных технологий, создают учебные планы, учебники и учебные пособия в соответствии с требованиями государственных образовательных стандартов, определяют оптимальные направления обновления содержания учебной литературы, использования отечественных и зарубежных научно-теоретических знаний. Существует потребность в совершенствовании эстетических и методических навыков, в поддержке стратегий, направленных на углубление знаний учащихся.

В нашей стране особое внимание уделяется развитию компетенций подрастающего поколения в области литературной речи и отбора произведений искусства, углубленному изучению личностно-ориентированных технологий обучения в процессе литературного образования. В стратегии по развитию Республики Узбекистан: “Воспитание молодых людей, верных Родине, имеющих жизненное мировоззрение, углубляющих демократические идеи и совершенствующих свои социальные навыки в развитии гражданского общества”², установление ответственных обязанностей продвигает такие принципы преподавателей литературы, как повышение качества преподавания, повышение престижа ученика, обеспечение должной оценки героев произведения, дальновидность, развитие педагогических способностей.

Данная диссертация в определенной степени служит в реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Кабинета Министров Республики Узбекистан за №140 от 15 марта 2017 года “Об утверждении положения об организации системы общего среднего образования”, постановления №187 от 6 апреля 2017 года “Об утверждении Государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования”,

¹ Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. – P. 6-7. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – 39-б.

от 23 сентября 2020 года Закон Республики Узбекистана “Об образовании”, а также в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование осуществлено в рамках приоритетного направления I.”Пути формирования и внедрения системы инновационных идей при социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³.

Особенности педагогической науки, исследования по теории педагогики, форм, методов и приемов преподавания ведущих научных дисциплин мира, включая Гарвардский университет (США), Университет Британской Колумбии (Канада), Университет Эге (Турция), Университет Мияги (Япония), Институт мировой литературы Российской академии наук (Российская Федерация), Белфилдский педагогический университет (Германия), Центр повышения педагогической квалификации на базе Манчестерского университета (Великобритания); Университет Чунанг (Южная Корея), Педагогический университет Мияги (Япония), Академия образования (Россия), Уорикский университет (Лондон), Ташкентский государственный педагогический университет, Самаркандский государственный университет (Узбекистан) и другие известные университеты и исследовательские институты.

В связи с совершенствованием системы педагогической работы в вузах были получены следующие результаты: Гарвардский университет в США разработал сравнительно-типологические технологии и методы исследования развития педагогического мышления; Американские ученые Р. Уэллик и А. Уоррен опубликовали книгу “Основы литературной науки”, взгляды А. Печчеи на педагогику привели к исследованию “Человеческих характеров”; Технологии обучения в Университете Чунанг в Южной Корее для развития теоретических знаний студентов; Традиционная технология улучшение педагогических и психологических проблем обучения в Педагогическом университете Мияги; Технология воспитания речевой культуры у студентов Российской академии образования; В Ташкентском государственном педагогическом университете разработана новая система обучения и духовно-нравственного развития студентов.

В мире осуществляются научные исследования направленные на изучение развития образовательно-воспитательной мысли, в том числе по следующим приоритетным направлениям: определение научных, теоретических, эстетико-педагогических, практических методологических аспектов методики, с использованием инновационных технологий, принципов и критериев определения содержания образования.

³Данная часть подготовлена на основе таких источников, как [https:// www. Goodreads.com/book/ show/3837726-international-companion-encyclopedia-of-s-literature](https://www.Goodreads.com/book/show/3837726-international-companion-encyclopedia-of-s-literature); www.hu-berlin.de; www.study.ua; www.ox.ac.uk; www.agency-nationale-recherche.fr/en; www.nfl.aks.ac.kr; www.inili.ru; www.kaznu.kz; www.iaas.msu.ru.

Степень изученности проблемы. В совершенствовании содержания литературного образования в стране на основе обновленных педагогических принципов, методики преподавания литературы в соответствии с требованиями времени и в развитии самостоятельной работы в области литературы, навыка выбора произведений искусства и в обучении самостоятельному мышлению были проведены исследовательские работы такими учеными, как А.Зуннунова, Н.Хотамова, Ж.Эсонова, А.Иброхимова, К.Юлдашева, О.Алеуова, М.Миркасымова, С.Матжанова, К.Хусанбаевой, Р.Ниёзметовой, Б.Тўхлиева, Ш.Н.Абдиназимова, У.Далимова⁴.

Педагогические технологии и их особенности анализируются с педагогической точки зрения в научных исследованиях М.Очилова, Н.Н.Азизхужаевой, Н.Гуломовой, Ж.Г.Юлдошева, С.А.Усмонова, В.Л.Голиша, К.Г.Толипова, М.Усмонбоевой, Т.Мадумарова, М.Камолдинова⁵ С.Ахметов, А.Пахратдинов, А.Пирназаров, К.Палымбетов, И.Пирниязов, Р.Бердимуратова, А.Тобаназаров, Дж.Сагидуллаева, Ж.Каниязова, К.Юсупов и другие изучали вопросы преподавания каракалпакской литературы в общеобразовательных школах, академических лицеях и профессиональных колледжах.⁶

Анализ научно-исследовательских работ ученых стран Содружества независимых государств по исследуемой проблеме показал, что в исследованиях ученых Я.Скалова, М.Н.Скаткина, Я.С.Резь, Н.Г.Тараносова, Г.В.Маранцман, В.М.Кларина, Ш.Исломова наряду с традициями образования и воспитания, организации новых учебных форм, уделено внимание также и на педагогические мысли.⁷

⁴ Зуннунов А. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 268 б.; Зуннунов А.С., Хотамов Н., Эсонов Ж., Иброхимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 332 б.; Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 152 б.; Қозокбой Йўлдош, Мухайё Йўлдош. Бадий таҳлил асослари. – Тошкент: КАМАЛАК, 2016. – 464 б.; Элеуов О. Қарақалпақстанда талим-тарбиялик ойлари қалиплесиғи ҳам раўажланғи. – Нөкис: Билим, 1993. – 504 б.; Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси. – Тошкент: РТМ, 1995. – 102 б.; Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 254 б.; Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 208 б.; Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омилли. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 368 б.; Хусанбоева Қ., Ниёзметова Р. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Баркамол файз медиа, 2018. – 352 б.; Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 168 б.; Ш.Н.Абдиназимов. Шет еллардеги билимлендириш тәжририйбелери. – Нөкис, 2009. – 26 б.; Долимов У. Жадид мактаблари: уларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари. Пед. фан. док. ...дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 42 б.

